

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА РАҚАМЛАШТИРИШ ВА УНДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Эргашев Толибжон Эшқобилович

*Жиззах Давлат педагогика
институтини*

Аннотация. Мақолада ахборотлашган жамият, ахборотлашган жамиятда таълимни ахборотлаштириш, рақамлаштириш, электрон таълим ресурсларини шакллантириш, глобаллашув ва инновация жараёнлари, таълимни модернизациялаш, ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: *ахборотлашган жамият, таълимни ахборотлаштириш, ахборот, глобаллашув, рақамлаштириш, инновация, модернизация.*

Аннотация. В статье описаны перспективы информатизации образования, цифровизация образования в информированном обществе, формирование электронных обучающих ресурсов, процессы глобализации и инноваций, модернизация образования, использование информационных технологий в образовательном процессе.

Ключевые слова: *информационное общество, информатизация образования, информация, глобализация, цифровизация, инновации, модернизация.*

Annotation. The article describes the prospects of informatization of education, digitalization of education in an informed society, the formation of e-learning resources, globalization and innovation processes, modernization of education, the use of information technology in the educational process.

Key words: *information society, informatization of education, information, globalization, digitization, innovation, modernization.*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тадбиқ етилиши, ахборотга асосланган рақамли

технологияларнинг ривожланиши, барча соҳаларни модернизациялаш ва уларга инновацияларни жорий этиш натижасида юртимиз тараққиётининг мутлақо янги, янада юксак босқичига қадам қўйилди.

Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият қурилишини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, очиқ ва ошқора сиёсат юритиш ва айниқса таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, хорижий ўқув юртларининг юртимизга кенг миқёсда кириб келиши, Ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро тартибдаги меъёрлар асосида ўқитилиши таълим-тарбия соҳасини юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятни белгиловчи асосий омиллардан бири, бу таълимга инновацияларни жорий этиш ва инновацион билим беришдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизимини инновацион технологияларга асосланган ҳолда ривожлантириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ёшларга ахборот-коммуникация технологиялари асосида билим бериш, олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларга хорижий таълим муассасаларининг энг сўнгги ютуқларини жорий қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши қабул қилинди, унинг тўртинчи ижтимоий соҳани ривожлантириш бўлимида ҳам таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Жумладан:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чоратadbирларни кўриш;

- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятларни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш масалалари илгари сурилганки уларни амалга ошириш натижасида олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими ва мактабгача таълим вазирликлари тизимлари тўлиқ модернизация қилинади, соҳага инновацион технологиялар жалб қилинади, таълим кластерлари жорий этилади, хорижий олий таълим муассасларида ўзини оқлаган модул ўқитиш тизимлари жорий этилади, онлайн смарт университетлар ташкил этилади ва соҳада ўз кучига ишонган, ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўрганган, хорижий тилларда сўзлашувчи ёшлар етишиб чиқади ва мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг креатив фикрлайдиган инновацион қатлами вужудга келишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йилдаги Парламентга қилган мурожаатномасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишни таъкидлаб ўтди ва шу асосида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этиш зарурлигини белгилади. Рақамли иқтисодиёт белгиланган вақтда амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириши, одамлар фаровонлигининг ошиши, коррупцион ҳолатларнинг камайишига ва янги иш ўринлари яратилишига олиб келади.

Дастурни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқарув органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, ахборотлаштириш, инновацияларни тадбиқ этиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Халқаро тажрибалардан маълумки иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва инновацияларни амалиётган тадбиқ қилиш ва ривожлантиришда таълимнинг ўз ўрни бор. Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва санаот ривожланишидан олдин таълим ушбу жараённи бошгидан ўтказмаган ва кўрмаган бўлса, мазкур йўлни босиб ўтмаган бўлса унда иқтисодиётда ҳам таълимда ҳам ривожланиш бўлмайди.

Ахборотлашган жамият шароитида таълимни рақамлаштириш, инновацион технологияларни тадбиқ қилиш, инсон омилисиз ишлайдиган дастурларни олий ўқув юртларига тадбиқ қилиш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- ёшларда ахборот коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини босқичма-босқич ошириб бориш;

- Ўзбекистоннинг ўзига хос, халқаро меъёрлардан кам бўлмаган таълим стандартларига эришиш;

- миллий, барча учун очиқ электрон ахборот маконини яратиш;

- энг сўнги русумдаги ахборот коммуникация қурилмаларини малакатимизда ишлаб чиқаришга эришиш;
- ахборотлашган жамиятга мос кадрларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларнинг сифатига эътибор бериш;
- юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш имкониятларини яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони
2. <https://strategy.uz/index.php?news=787>
3. <https://uza.uz/oz/society/i-tisodiyet-ra-amlashsa-demak-undan-oldin-talim-ushtubu-zharaye-30-04-2020>